
Биргина "Томоша" маҳалласининг ўзида 8.5 км ички йўллар равон, манзиллар яқин бўлмоқда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-408-сон қарорига асосан Фурқат туманида маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш ишлари давом этмоқда.

Жумладан "Томоша" маҳалласига қарашли Қурултой қишлоғидан ўтган умумфойдаланишдаги автомобил йўлининг 3 км қисми, Гузар, Дўстлик, Боғубўстон кўчаларининг 5,5 кмдан зиёдроқ ички йўлларни асфальтлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Ҳозирда Қурултой қишлоғида шағаллаштириш ишлари якунланиб, асфальт ётқизишга тайёрлаш ишлари жадал олиб борилмоқда.

2023-05-29 16:14:38